

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АҲМАДЖОНОВА “Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М.ЖУРАЕВА Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХЎЖАЕВА Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э.ИБРАГИМОВА Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖУРАБОЕВА Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р.АХРОРОВА Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНХЎЖАЕВ Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.ЎРИНОВА Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ	117

УДК: 4+398.9

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИНГ ЛИНГВО-КОГНИТИВ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-СЕМАНТИК ЖИҲАТЛАРИ

Н.Ғофурова

Аннотация

Мазкур мақолада мақол ва маталларнинг лингво-когнитив жиҳатларига эътибор қаратилади ҳамда замонавий ўзбек ва инглиз тилларидаги мақол ва маталлар структурал-семантик хусусиятларининг таҳлили орқали қиёсланади.

Аннотация

Данная статья посвящена изучению лингво-когнитивных основ и структурно-семантических аспектов пословиц и поговорок в современном английском и узбекском языках.

Annotation

The article is devoted to analyses of semantic-structural features of proverbs and sayings in modern Uzbek and English languages. Moreover comparative typology and lingua-cognitive aspects of proverbs and sayings are mentioned.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, матал, структура, семантика, паремиология, провербема.

Ключевые слова и выражения: пословица, поговорка, структура, семантика, паремиология, провербема.

Key words and expressions: proverb, sayings, structure, paremeology, semantics, proverbeme.

Ҳар бир тил бетакрор мулоқот воситаси сифатида ўзига хос қурилиш ва тизимга эга. Тил тизими ўз ичига фразеологик – паремиологик бирликларни ҳам олади. Тилларда паремиологик бирликлар деганда, мақол ва маталлар тушунилади. Мақол – халқ ақл-идрокиннинг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари мажмуи, турмушдаги турли воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатининг ифодаси. Инглиз, ўзбек ва бошқа тилларда ҳам мақоллар ва маталлар ўзига хос бир мустақил тизимни ташкил этади ва улар «Паремиология» бобида ўрганилади.

Меҳнатни ифодаловчи паремиологик бирликлар (мақол ва маталлар) универсал ҳодиса бўлиб, барча тилларда ўз ифодасини топиши керак бўлган умумий қонуният сифатида таърифланади. Улар кишилар орасидаги мулоқотнинг ажралмас бир қисмини ташкил этади, шу маънода уларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилиш паремиологик назарияни янада бойитишга ва бир қатор долзарб лингводидактик масалаларнинг ечимини беришга пухта замин яратади.

Ҳар бир тилдаги мақол ва маталлар инсон ақл-заковатининг, тафаккурининг маҳсулидир, шу боис улар асрлар давомида ҳар бир конкрет тилда сўзлашувчилар ҳаёт тажрибасидан ўтган, бошдан кечирилган воқеликларнинг асосан икки тил бирлиги (содда ва қўшма гаплар) орқали воқеалантирадиган, эллиптик ёки тўлиқ шаклга эга бўлган, фреймлаштирилган тил бирликларидир.

Инглиз ва ўзбек тилларида ҳам провербемалар (мақоллар ва маталлар)

бўлиб, инглиз тилида уларни «adages», «maxims», деб ҳам юритишади [1.208]. Улар паремиологик бирликларнинг махсус тизимини ташкил этади. Бундай воситаларни тил бирлиги сифатида “провербемалар”, нутқ бирлиги сифатида эса “проверблар”, деб шартли равишда номлаш мумкин.

Паремиология ҳақида фикр юритар эканмиз, у тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида ўзининг нисбатан мустақил мақомига эга бўлиб, ўзига хос ўқув предмети, объекти, материали ва таҳлил методларига ҳам эгадир.

Шуни унутмаслик керакки, паремиология фразеологиядан тубдан фарқланади, чунки фразеология “иккиламчи ёки ҳатто учламчи номлаш”га асосланган камида икки сўздан ташкил топган фраземаларни ўрганади, паремиология эса фраземадан каттароқ бўлган, фреймлашган сентенсо-фразема (“иборалашган гап”, масалан, “Good words and no deeds”, “Great cry and little wool”, “Easier said than done”, “Easy come, easy go”, “Deeds, not words”, “No song, no supper”, “No pains, no gains”, “Neither fish, nor flesh”, “No sweet without sweat”, “Quick at meat, quick at work”, “Such carpenters, such chips”, “Боғ жамоли – боғбондан”, “Дарахт – ҳаводан, одам – меҳнатдан”, “Сиздан у гина, биздан бу гина” ва ҳ.к.), сентенсема (содда, қўшма, текстемалар/ дискурсемалар)ни таҳлил қилиб, объект сифатида ўрганилади.

Шунингдек, фразеология каби паремиология ҳам мустақил сатҳ сифатида ўзининг бирлигига эга, у ҳам бўлса “паремиема”дир [1.209]. Шундай қилиб, паремиемалар фразема (номинатив бирлик) сатҳида таҳлил қилина олмайди, уни фразадан фарқлаб, сентенсема

Н.Ғофурова – ФарДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

сатҳида таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир, чунки фразема номинатив бирлик бўлса, паремиема коммуникатив бирликдир.

Маълумки, инглиз тили катта ҳинд-европа тиллар гуруҳининг герман тиллар оиласига мансуб бўлиб, аналитик қурилишга эга, ўзбек тили эса олтой тиллар гуруҳининг турк тиллар оиласига дахлдор бўлиб, агглютинатив тил ҳисобланади.

Мана шундай турли типологик тизимга мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тиллари провербемаларини қиёсий кесимда таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “провербемалар”, хусусан, уларнинг “меҳнатсеварлик провербал концептуал семантика”сини ифодаловчи турлари, универсал табиатга эга, чунки тилда сўзлашувчилар учун бундай семантикани воқелантиришга кундалик эҳтиёж мавжуд бўлиб, бу эҳтиёж ҳар бир тилнинг махсус провербал воситалари орқали албатта рўёбга чиқарилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда провербемалар, жумладан, уларнинг “меҳнатсеварлик концептуал семантика”сини воқелантирувчи турлари ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тиллари тизимида хос бўлган универсал жиҳатлари бўлиб, соҳа адабиётларида асосан бир тил материалида тадқиқ қилинган [5.112]. Шунингдек, қисман бундай провербемалар қиёсий-типологик аснода ҳам урганилган [5.45].

Юқорида санаб ўтилган илмий ишлар таҳлилида асосий эътибор “меҳнатсеварлик концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи провербемаларнинг структурал-семантик жиҳатларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик ва металлук каби масалаларнинг айримлари у ёки бу даражада қисман ўрганилган, аксарияти эса тадқиқотчилар эътиборидан умуман четда қолган.

Қиёсланаётган тилларда бошқа провербемалар билан бир қаторда “меҳнатсеварлик концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи провербемалар ҳам борки, улар тилда сўзлашувчи жамоа аъзолари тафаккуридаги “инсон меҳнат фаолияти” концептуал семантикасини воқелантирувчи вербализаторлар бўлиб саналади, ваҳоланки бундай провербемаларни тилда сўзлашувчи

кишилар мулоқот чоғида онгли равишда танлаб, саралаб қўлайдилар. Бундай омил тилда сўзлашувчиларда провербемаларни қўллаб, тегишли вазиятда онгли равишда мулоқот олиб бора олишлик лаёқати даражасининг ҳар хил бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Шундай омилларга асосланган ҳолда мазкур провербемаларни структурал-семантик, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатдан таснифлаштириш мумкин.

Шундай қилиб, паремииологик бирликлар, шу жумладан, меҳнатни улуғловчи паремииологик бирликлар–фразеома фразеологик бирликларнинг яхлит структурал-семантик, коммуникатив прагматик турлари бўлиб, мулоқотда ўзига хос концептуал семантикани ифодаловчи вербализаторлар вазифасини ўтайдиган, тегишли лингвокультурологик компонентни ўз ичига олган, қолиплаган тил ва нутқ бирликлари бўлиб, айна вақтда улар лингвокультуремалар ҳам бўлиши мумкин. Қиёсланган инглиз ва ўзбек тиллари қурилишига кўра турли тизимдаги типологик тилларга дахлдордирлар, чунончи, инглиз тили катта ҳинд-европа тиллар гуруҳининг герман тиллар оиласига мансуб бўлиб, аналитик тиллар сирасига киради, ўзбек тили эса катта олтой тиллари гуруҳининг туркий тиллари оиласига мансублиги учун агглютинатив тил бўлиб ҳисобланади. Шунга мувофиқ ҳар бир тилда провербемалар ўзларига хос морфолого-синтактик тавсифга эга. Қиёсланаётган тилларнинг морфологик ва синтактик жиҳатлари провербемаларнинг содда, кўшма ва мураккаб сентенсемалар каби структурал турларида яққол кўзга ташланади, ваҳоланки ҳар бир тилда истеъмолда бўлган сентенсема қолип (модел)ларга кўра содда, кўшма ва мураккаб сентенсемалар қуриладилар. Демак, инглиз тилида содда, кўшма ва мураккаб (аралаш) сентенсемалар орқали воқелантирилган провербемаларда уларни ташкил этувчи компонентлар, бўлақлар ўртасидаги муносабатлар аналитик воситалар ёки сўз тартиби орқали ифодаланса, ўзбек тилида бундай муносабатлар агглютинатив воситалар (келишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчилар ва сентенсема қисмлари сўз тартиби) орқали амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев И.Х., Хошимов Ф.М. Инглиз тилида оила ва турмушни ифодаловчи мақоллар ва уларнинг ўзбек тилига таржима қилиш усуллари // Актуальные проблемы современной транслятологии. – Андижон: “Андижон”, 2008.
2. Бакиров П.У. Номиноцентрические пословицы в разносистемных языках. АДД. – Ташкент, 2007.
3. Гварджаладзе И. С., Мчедлишвили Д. И. English proverbs and sayings. – М.: Высшая школа, 1979.
4. Даль В. И. Пословицы русского народа. – М.: АСТ, 2001.
5. Калонтаров Я.И. Мудрость трёх народов (таджикские, узбекские, русские пословицы, поговорки и афоризмы в аналогии). – Душанбе, 1989.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).